

<i>Ташилот номи:</i>	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Барча таркибий бўлинмалар учун
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Умумий қонунчилик асослари (50 та)

1. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти қандай амалга оширилади?
2. Ўзбекистон халқи номидан кимлар иш олиб бориши мумкин?
3. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизимини айтинг?
4. Ўзбекистон Республикасида олий қадриятларни айтиб бера оласизми?
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра ташқи сиёсатни айтинг?
6. Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгами?
7. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик тушунчасини ёритиб беринг?
8. Фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқларини қандай амалга оширадilar?
9. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари тўғрисида нималарни биласиз?
10. Ўзбекистонда фуқароларнинг қандай бурчлари бор?
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила тушунчаси?
12. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишини биласизми?
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қандай орган?
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси таркиби неча депутатдан иборат ва Сенатини шакллантириш тартибини айтиб беринг!?
15. Ўзбекистонда Қонунларни қабул қилиш тартибини айтиб беринг!
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қандай орган?
17. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига қандай ҳолатда киритилади?
18. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми қачон қабул қилинган ҳисобланади?
19. Маҳаллий давлат ҳокимияти кимлар ҳисобланади?
20. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатларини санаб беринг!
21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қандай орган?
22. Ўзбекистонда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни ким амалга оширади?
23. Ўзбекистоннинг Давлат бюджетининг тузилишини биласизми?
24. Ўзбекистон Қуролли Кучлари нима учун тузилади?

25. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг амал қилиши қандай мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди?

26. Ариза қандай мурожаат?

27. Таклиф қандай мурожаат?

28. Жамоат бирлашмалари деб қандай ташкилотларни айтамыз?

29. Электрон мурожаат қандай мурожаат?

30. Такрорий ва дубликат мурожаатлар бўйича тушунча ва фарқини айтиб беринг?

31. Аноним мурожаат тушунчасини айтинг?

32. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принципларини санаб беринг?

33. Оммавий қабул деганда нимани тушунаси?

34. Мурожаатларнинг қандай шакллари ва турларини биласиз?

35. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари биласизми?

36. Мурожаатларни кўрмай қолдириш мумкинми?

37. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасини айтинг?

38. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахсларни айтиб бера оласизми?

39. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунига кўра, манфаатлар тўқнашуви деганда нима тушунилади?

40. Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши жавобгарликни келтириб чиқарадими?

41. Ўзбекистон тарихида илк бор қайси вазирлик коррупциясиз вазирлик деб эътироф этилди ҳамда қачон халқаро сертификатга эга бўлди?

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармониغا асосан, коррупцияга қарши курашига оид Ўзбекистонда қандай ташкилот тузилди?

43. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги нима учун масъул ҳисобланади?

44. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги қандай давлат органларига бўйсунди ва ҳисобдор?

45. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки унга қарши бошқа тарзда кўмаклашган шахслар давлат мукофотига тавсия этилиши мумкинми?

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармониغا асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига нималар тақикланади?

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармониغا асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб кимларга даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши белгиланди?

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли Қарорига асосан, 2021 йил 1 августдан бошлаб давлат

харидлари соҳасида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, қандай амалиёт жорий этилди?

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқланг.

50. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишни тушунтириб беринг.